

Гарбий Оврўпо халклари адабиётларида Амир Тему́р хаёти ва фаолиятига бағишланган асарлар нихоятда кўп, бироқ Соҳибкирон хақидаги илк асарлар эсдаликлар тарзида ёзилган бўлиб, улар Амир Тему́р замондошлари каламига мансубдир. Шулардан бири Эрондаги Султония шахрининг архиепископи Жан(Иоанн)нинг «Амир Тему́р ва унинг саройи хақида хотиралар»(Memoires sur Tamerlan et sa cour) асаридир.

1403 йил май ойининг бошида Парижда бир рухоний пайдо бўлиб, ўзини Амир Тему́рнинг элчиси деб таништиради. Чиндан ҳам у зарҳал харфлар билан битилиб, Амир Тему́рнинг мўъжазгина муҳри босилган мактубини Франция кироли Карл VIга топширади. Мактубни топширган Султония архиепископи кирол саройида Карл VI ва Франциянинг Берри, Бургундия, Орлеан, Бурбон ва Британия герцоглари ҳамда бошқа аъёнлар хузурида нутқ сўзлаб, ташрифининг икки сабабини айтади: биринчиси, Амир Тему́рнинг Боязид устидан қозонган галабасини маълум қилиш; иккинчиси — Амир Тему́р билан Карл VI ўртасида доимий дипломатик алоқалар ўрнатиш.

Жан Рим папаси Бонифаций IX томонидан 1398 йил 23 августда Султония шахрининг архиепископи этиб тайинланган (Jean Richard, La papauté et les missions d'Orient au Moyen Age (XIIIe — XVe siècles). Ecole française de Rome, 1977, pp. 181 — 182; La route de Samarkand au temps de Tamerlan par Ruy Gonzalez de Clavijo. Imprimerie Nationale, Paris, 1990, p. 51).

Жаннинг айнан ўша йиллари Султонияда хизмат қилганлигини таникли француз шарқшунос олимлари Силвестр де Саси (Memoire sur une correspondance inedite de Tamerlan avec Charles VI. Memoires de l'Academie des inscriptions et belles-lettres. Paris, 1822) ва Х.Моранвиле (Memoire sur Tamerlan et sa cour par un dominicain, en 1403. Extrait de la Bibliotheque de l'Ecole des chartes. Paris, 1894) ҳам тасдиқлайдилар.

Архиепископ Жан Франция кироли Карл VI топширигига биноан ўзининг «Амир Тему́р ва унинг саройи хақида хотиралар»ини ёзади. Асар 23 қисм(боб)дан иборат. Унда Соҳибкирон Мовароуннахр тахтига чиққан пайтдан 1402 йил август ойигача бўлиб ўтган асосий воқеа ва ходисалар тилга олинади.

«Хотиралар» билан илк бора танишган кишида у афсоналар ва хақиқат омўхтасидан иборат асар, деган таассурот тугилиши табиий. Хақиқатан ҳам муаллиф Амир Тему́р хаёти ва фаолияти билан боғлиқ бизга маълум ва номаълум афсона-ривоятлардан кенг фойдаланган. Масалан, Амир Тему́рнинг амир Хусайн элчилари олдида ишлатган хийласи (I боб) ва Соҳибкирон билан Эдигни(Идику) ўртасидаги муносабат (XVII боб) хақидаги хикоятлар шулар жумласидандир. Бироқ, «Хотиралар»да бошқа манбаларда мавжуд аниқ тарихий маълумотлар ҳам кўп.

Архиепископ Жаннинг «Хотиралар»и Соҳибкирон билан Самарқандда учрашган овруполик бошқа бир элчи — Руи Гонсалес де Клавихонинг «Кундалиқлар»и каби Амир Тему́р шахси, унинг хаёти ва фаолиятига доир бебаҳо хужжат ҳисобланади. «Амир Тему́р ва унинг саройи хақида хотиралар» таржимасида муаллиф услубини сақлашга интилдик. Қавс ичидаги изоҳлар таржимонники.

Асар ўзбек тилида илк бора айрим қискартиришлар билан эълон қилинмоқда.

I. Тему́рбейнинг тахтга чиқиши

Бу ҳукмдорнинг қўли дастлаб унчалик узун бўлмаган ва уни кўпчилик танимаган, унинг

кўл остида ўзининг оиласига ўхшаш оилалардан чиккан атиги ўн чоғли маслакдоши бўлган. Бирок у ёшлигиданок ўз ақл-заковати, уддабуронлиги ила бойлик орттира борди, истехком ва амлоқларни эгаллаб, маслакдошлари сонини ниҳоятда кўпайтирди ва кундан-кунга кучайиб борди.

Ўзининг ишларидан Буюк Мўғулистон императори(амир Казогон)нинг газаби кайнаб турганини сезган Темурбей тўппа-тўғри Хитой императорининг хузурига борди. У камарли насронийлар (мароний) мазхабидан бўлиб, мўғул императорининг ракиби ва душмани эди. Темурбей шу насроний император хузурида кўп ҳаракат қилиб, ундан қудратли бир кўшинни ёрдамга олди; шу кўшин билан у зикр этилган Мўғулистон императорининг катта ерларини қўлга киритди, хусусан, у Семерканд(Самарканд) шаҳрини эгаллади. Шаҳар Шарқда жойлашган бўлиб, Мўғулистон императорига қарарди. Шундан сўнг у (Амир Темура) насроний императорнинг лашқарига кетиш учун руҳсат берди.

Темурбей томонидан таҳқирланган ва ҳақоратланган мўғуллар императори (юкорида архиепископ амир Казогон ҳақида сўз юритса, бу ўринда ва ундан кейин амир Хусайн ҳақида сўз юритади) ўз ракибига қарши қурашиш учун жуда катта кўшин тўплади ва унинг хузурига элчилар йўллади. Элчилар унга (Амир Темурга) ё жанг майдонига чиқиш ёхуд Мўғулистон императорига сўзсиз итоат этишни айтишлари лозим эди; агар у (Амир Темура) унга итоат этса, катта ҳоким қилиб тайинланиши ваъда этилганди.

Хузурига келган элчиларни кўрган Темурбей зўр хийла ишлатиб, кўрпа-тўшак қилиб ётиб олди. Зеро, у зикр этилган императорнинг қудратини яхши биларди. Шу боис ракиби ва унинг элчиларини гафлатда қолдиришни ўйлай бошлади. Яхшилаб фикрини жамлаб олгач, янги сўйилган молнинг конини қелтиришларини буюрди ва уни ютиб олди. Сўнгра элчиларнинг не мақсадда келганини билиш учун уларни тезгина ўз хузурига қорлади. Элчилар хузурига қирган чоғ унга (Амир Темурга) шошинч равишда тоғора қелтирдилар ва у элчилар олдида ютган конини қайт қила бошлади; улар (элчилар) бу қонни унинг (Амир Темурнинг) қони деб ўйладилар. Бу билан у элчиларга ўз тақдирдан қочиб қутула олмаслиги ва дардига ҳеч қандай даво йўқлигини, яъни тез орада ўлажақлигини билдирди. Шундан сўнг элчилар бемалол қайтиб қетдилар. Чунки улар Темурбейнинг «ўлаётгани»ни ўз қўзлари билан кўрган эдилар.

Бундан хабар тоғган император кўп шодланди ва лашқарларига ижозат бериб, қичик бир аскарлар қуруҳи ва хотинлари ҳамда фарзандлари билан қурсандчиликка берилди. Элчилар қайтиб қетганига ишонч ҳосил қилган Темурбей сакраб тўшагидан турди ва бутун кўшини билан зикр этилган императорнинг қетига тушди; Темурбей уни хотинлари ва фарзандлари ҳамда қичик бир аъёнлар қуруҳи билан айш-ишрат қилиб турган чоғида учратди. Темурбей қилиқини қўтарди ва императорни махв этди, унга қариндош бўлган хотинини ўзига хотин қилиб олди, ўз ўғилларига императорнинг қизларини олиб берди ва унинг эрқак зотидан бўлган яқинларининг ҳаммасини ўлдирди; фақат биттасидан ташқари, уни ўз ёнида олиб қолди, исми Солтамақуш (Суюргатмиш) эди. Темурбей унинг номидан ҳукмронлик қилди ва шу йўл билан у бутун Трансоқсия империясини қўлга киритди. Бу воқеалар рўй берганида у қирқ ёшда ёхуд сал қаттарок эди. Шундан сўнг у Шарқдаги кўп вилоятларни қўлга киритдики, жумладан, уларнинг бири Сименана (Симнон) деб аталарди, бу хусусда кейинроқ сўз юритилади.

II. Темурбей исмининг талқини хусусида

Бу императорнинг исми Темурбей эди; бу исм куйидагича талкин килинади ва изохланади: Темурбей атокли отдир ва «темир» сўздан келиб чиккан бўлиб, «fer» (французча «темир») маъносини билдиради ва «бей» сўзи «хукмдор» маъносига тенг бўлиб, «темир хукмдор» деган маънони англатади. Бошқалар уни «Тамурлан» деб аташади, бу сўз ҳам «темир»дан келиб чиккан бўлиб, французчасига «Темур оксок» деган маънони билдиради. «Оксок» унинг лакаби эди. Бу татарча ва форсча талкинлардир. Эронда уни «миритабам», яъни «хукмдор» деб ҳам, «калон», яъни «буюк хукмдор» деб ҳам аташади.

III. Темурбейнинг унвони хусусида

«Темур Геракан сосмус» («Темур Кўрагон сўзимиз») ибораси Темур «императорнинг ўгли» ёки «куёви» деган маънони билдиради ва «сосмус» — «бизнинг катъий сўзимиз» деганидир. У ўзини на кирол, на император ва на бошка ном билан атаиди; қачон сўзласа ва амр этса, император номидан сўзлайди ва амр этади, унга хурмат кўрсатиб, йилига бир марта уни бориб кўради; бу хурматдан сўнг у ўша император хақида гапириб, унга ўз саройида иззат кўрсатаётганини айтади. Бирок, Темурбей барча ишни императорнинг мухрисиз амалга оширади.

IV. Унинг ирки хусусида

У келиб чиқиши бўйича шарклик барлослардан бўлиб, уларнинг миллати йокате (чигатой) деб аталади. Баъзилар фикрича, шу томонларда бизнинг Иисус Христосга тенг келадиган уч кирол ўтган экан. Бу ўлкага Хиндистон томонидаги Персиядан кейин келадиган Корасан (Хуросон) вилояти, Медиа (Озарбойжон) вилояти ва бошка вилоятлар киради. Бу ўлка таркибига қирувчи яна бир шаҳар, бу — Темурбейнинг шаҳри Семерканддан жуда йироқда, юз кунлик масофада, Жийон дарёсидан нарида — Персияда жойлашган Сузис (Суза) шаҳридир.

V. Ўгилларининг насл-насаби ва исмлари хусусида

Темурбейнинг кўп ўгиллари бўлган ва ҳозир улардан атиги иккитаси ҳаёт, уларнинг каттасини Миранза(Мироншоҳ) деб аташади ва унинг ёши қирк ёки ундан бир оз катта; энг кичиги Сонхарни(Шохрух) деб аталади ва унинг ёши йигирма икки атрофида. Биринчисининг исми куйидагича талкин килинади: мир — жаноб ва за — кирол, яъни «жаноби кирол». Иккинчисининг исми француз тилида «киролнинг юзи» маъносида. Тўнгич ўгил барваста, хушмуомала, хурфикр ва отасининг саройида ҳамма уни хурмат килади. У насронийлар ва франкларни, яъни барча лотинларни (овруполикларни) жуда яхши кўради; у бамисоли иккинчи Александр(Македонялик Александр). Унинг тўрт хотини ва тўрт ўгли бор: хотинларининг энг суюқлиси император авлодидан ва Конзада (Хонзода) деб аталади. Ўгилларининг лашкарлари катта, яъни 20-30 минг кишидан иборат ва саройлари ҳам катта. Айникса, Абасимеза (Мирзо Абубакр) исмли тўнгич ўглининг лашкари жуда катта; бу исм «Худонинг мархамати ила тугилган», деб талкин килинади. Бу ўгил қурол ишлатишга жуда мохир. Тўрт ўгилнинг яна бирининг исми Омариза (Умар Мирзо) бўлиб, у Темурбейнинг лейтенанти: унинг саройида мулозимлар кўп, кўл остида катта ўлка бор.

VI. Жиянлари ва набираларининг сони хусусида

Темурбейнинг олтмиш-етмиш чоғли ёхуд ундан зиёд жияну набиралари бор. Уларнинг энг биринчиси катта акасининг ўғли бўлиб, она томонидан император авлодидан ва катта амлокка эга; иккинчисининг кўп ўлкаларда ўзига маслакдош ва содик вассаллари бор; унинг исми Мамузатаин(Мирзо Султон Хусайн)дир.

VII. Темурбейнинг хотинлари хусусида

Темурбейнинг тўрт конуний хотини ва кўплаб канизаклари бор. Катта хотини император оиласидан бўлиб, Карон (Сароймулкхоним) деб аталади ва доим аёллар доирасида фарогат топади; эркакларни асло ёқтирмайди. У соғлиги ёмонлиги туфайли хар куни даволаниш учун минг дукат (тилла) сарфлайди, доимо хотинлар куршовида юради.

VIII. Темурбей хукмронлигининг бошланиши

Ёшлигида у хам ўз тенгкурларига ўхшаш йигит эди, аммо ақл-заковати, зукколиги билан ажралиб турарди ва доимо мард йигитлар куршовида юрарди. У доимо худони олқишлаб юради ва нима килса барисини худо учун, унинг хохиши билан килади; ўзининг айтишича, у бир бечора аёлнинг ўғли, кучсиз ва камбағал йигит бўлган, у нимага эришган бўлса, худонинг мархамати ила эришган, вақти келиб буларнинг хаммасини худога кайтаради. Яна унинг айтишича, барча рўй берадиган нарсани худо унга олдиндан башорат килади.

Хозир у жуда катта ва кудратли хукмдор. Зеро шу пайтгача Шаркда ҳеч ким унга тенг келадиган бирорта инсонни кўрган хам, учратган хам эмас. Айникса, у Семеркант шахрини ва Трансоксания империясини кўлга киритганидан кейин шундай кудратга эга бўлди. Зотан, у (империя) Шаркка томон шунча катта маконни эгаллаганки, унинг бир сархадидан иккинчисига етиш учун тинмай ярим йил йўл босиш керак. У кўплаб вилоятлар, шахарлар, кўргонлар, амлокларни кўлга киритди ва тобе этди. Жумладан, у Хиндистондаги Дилли (Дехли) деган шахарни ишғол килди ва киролини бўйсундириб, шундан сўнг Гарбга томон юрди хамда Константинополгача бўлган барча ўлкаларни эгаллади.

IX. Темурбей хукмронлигидаги вилоятлар ва ўлкалар хусусида

Темурбей кўл остидаги Хиндистондан Туркиягача бўлган худудни бир одам пиёда нақ бир йилда, отда эса тўққиз ойда босиб ўтади. Унинг салтанати таркибига, жумладан, куйидаги ўлкалар киради: Дилли — йирик шахар; Сименана — вилоят; Маластан (Бадахшон) — вилоят; кимматбаҳо тошлар ўлкаси; Феринус (Кимехредган) хинд зираворлари шу ердан келади ва Сийон (Сайхун) дарёси оркали бошка ўлкаларга олиб ўтилади; Органун, бу вилоят Персияда Корасмо (Хоразм) деб аталади; Чин-Мочин (Хитой) — шифобахш ўсимликлар ўсадиган вилоятлар, у ерларда ясалган чиройли буюмларни Генуяга олиб кетишади, яхши сакланади, айтишларича, бир буюмни кирк йилда яшашар экан; Бокара (Бухоро) — аъло сифатли олтини билан машхур вилоят; Коросан (Хуросон) — ўттизта шахарли вилоят; Медиа (Озарбойжон) — жуда катта вилоят; Спахан (Исфажон) – вилоят; Сирас (Шероз) — вилоят; Шилан (Гилон) — шахар

ва вилоят, Каспий ёхуд Бачин денгизи якинида; Аран — жуда катта вилоят; Порт Ферре — жуда катта вилоят ва Александр денгизни Кавкази деб аталган тоқча казиб олиб борган шаҳар, бу тоғда турфа тилли халқлар яшайди; Жоржия (Грузия) — киролик ва жуда катта вилоят; Буюк Армения, у ерда Нух пайгамбарнинг ёйи жойлашган тоғ бор; Курдистон — жуда катта вилоят; Калдея (Ироқи Араб) — вилоят; Астрия (Ассирия) — вилоят; Рум — вилоят; Туркия — вилоят. Бундан ташқари, кўплаб вилоятлар ва шаҳарлар Темурбей салтанати таркибига киради, уларнинг сони юз мингта, сўзимизни қисқарок қилиш мақсадида номларини келтирмаймиз.

X. Темурбейнинг маҳорати ва қудрати хусусида

Қисқача айтганда, Темурбей жангдошларда барчани, жумладан, кўплаб кироликлар ва шахзодаларни енгди, на бирор шаҳар ва на бирор истехком унга дош бера олган; у сон-саноксиз шаҳарлару кўрғонларни забт этди, ҳисобсиз халқларни ўзига тобе қилди; саноксиз муҳорабаларда зафар қозонди ва мана ҳозир ҳам у Буюк Туркни (Боязид Йилдиримни) маҳв этди — Туркия уни қўлди, кўплаб кироликлар ва шахзодалар, катта ҳокимлар унинг тарафида.

XI. Темурбейнинг буюқлиги ва лашкарларининг сони хусусида

Бу хусусда ҳар хил гаплар юради, бироқ унинг лашкарлари сони қанчалигини ҳеч ким аниқ билмайди: айримларнинг айтишича, унинг қўшини ўн юз минг (миллион) аскардан ва қандайдасаккиз юз минг одан иборат; туялар ва бошқа жониворларнинг эса асло ҳисоби йўқ. Унинг яна қирқ жанговар фили бор, аскарлар уларнинг устида ўтириб жанг қиладилар; қуролланган суворий шахзодалар ва мард навқарлар у билан бирга юрадилар; улар енгил қуролланган ва ортиқча аслаҳлари йўқ, шамширлари ва қанонларига ишонадилар ва, хусусан, унга ўттиз олти йилдан бери ҳамроҳлик қилиб қилаётган одамлари шаҳарларга қирмайдилар, очик далада тунайдилар.

XII. Темурбейнинг бойликлари хусусида

Унинг бойликларининг сон-саногии ва миқдорини ҳеч ким билмайди... Қимматбаҳо нарсаларга қелганда эса, айтишадик, — мен бунга ишонаман, — бирорта ҳам ҳукмдор, у қанчалар буюқ ва қудратли бўлмасин, у қадар кўп бойлик тўплай олмаган. Яна у ўз қўл остидаги барча вилоятлардаги ерости бойликларини ҳам қидириб топдириб, уларга эга бўлди; айтишларича, ўтган йили (1401 йил) у оғирлиги юз ўн етти сә (сә — тахминан бир миқдор) қиладиган бир жавахир топгани, олти сә бир унцияга тенгдир. Сўнгра, Бағдод шаҳри олингач, у Евфрат (Фрот) дарёсига гарк бўлган бир кемани топди, кемага Персия кироликларининг барча бойликлари ортилган эди. Ҳазинадан соф ва нафис олтин дарахт қилди, унда турфа рангли ва турфа хил қимматбаҳо тошлар, сон-саноксиз марваридлар бўлиб, бунчалик катта аҳамиятга ва қимматга эга бўлган ёхуд улардан яхшироқ марваридларни ҳеч ким қўрган эмасди. Темурбей бу нарсаларнинг ҳаммасини Семеркандга жўнатди, у ерда унинг ўн саккизта улкан саройи бўлиб, уларнинг барчаси бойликларга шу қадар тўлаки, ҳеч бир инсон уларнинг таърифини қилиб адо эта олмайди.

XIII. Темурбейнинг очиккўнгиллиги ва шафкатсизлиги хусусида

У шароб ичганида меҳрибон ва очиккўнгил бўлиб қолади; бироқ бундай ҳолат жуда кам бўлади, яъни у жуда кам шароб ичади. Алқисса, у газаб отига минмаган пайтларида адолат юритади: адолатининг шиори учун ўз тамгасига форс тилида «адолат» сўзини икки марта («Рости — русти») ёздирган. У ўз дўстлари ва элчиларга, айниқса, узок ўлкалардан келган элчиларга етарлича очиккўнгиллик қилади; бошқаларга нисбатан, яъни ўзига қарши бирор иш қилган ёки амрига қарши борганларга нисбатан у ўта шафкатсиз; уни айбдорларнинг на туриш-турмуши, на насл-насаби ва на дини-иймони кизиктиради.

XIV. Темурбейнинг ҳаёти ва унинг халқи хусусида

Темурбейнинг турмуш тарзи ва халқи ҳақида шундай дейиш мумкин: у ҳар доим очик далада ҳарир шоҳи чодир остида умр ўтказади; зеро. унинг халқи шунчалик кўпки, уларнинг барчаси шаҳарда яшай олмайди. Бироқ уларга зарур барча нарсалар худди шаҳарлардагидек бу ерга олиб келинади, сотилади ва харид қилинади; бу ерга узок ўлкалардан озик-овқат маҳсулотларини олиб келувчи савдогарлар жуда кўп, бу ерда паррандалар, бошқа турфа хил маҳсулотлар ва хатто қуллар ҳам сотилади. Темурбейнинг одамлари жуда қимматбаҳо нафис шоҳи матолар ва ҳарир жун матолардан қийим қиядилар. Улуглари эса, Константинопол императори қаби бош қийим қиядилар, мартабалари қанчалар баланд бўлса-да, бош қийимларига қимматбаҳо тошлар қадамайдилар ва айримлари туркларга ўхшаб думалок қокилез қиядилар. Темурбейнинг фуқаролари саранжом-сарийшта одамлар, улар ерда – стол ва курсисиз овқатланишади. Бу ерларда гўшт ва гуруч сероб, улар мутлако нон ейишмайди, улар нонни ёктиришмайди, бироқ ажнабийлар тўйгунларича нон ейишлари мумкин, зеро, ҳар қадамда нон мўл. Унинг саройида шароб ичиш таъқиқланган, насронийлар эса, ичишлари мумкин, у ҳам бўлса, фақат кечки овқат олдида, овқатдан сўнг сув ва қимиз ичилади, бир қимизки, шаробдан кам қайф бермайди. Уларнинг донли экинлардан тайёрланадиган яна бошқа бир ичимлиги бўлиб, унинг (бўзанинг) ранги сутдек оппоқ ва шаробдек қайф беради. Унинг саройида номуссиз аёлларнинг яшаши таъқиқланган, ҳар қимнинг ўз хотини ва мол-мулки бор. Аёллар эркаклар қаби моҳир чавандоздирлар, улар яхши қийиниб оладилар, отда юрганларида фақат бурунлари ва кўзлари очик бўлади. Одамларнинг юзлари кенг ва осийликларга ҳос, ҳамма қатори яшашади ва улар сарацинлар (муслмон сунналар) мазҳабидандирлар. Темурбей зиёфатларда тилла, қумуш идишларда овқат ейди ва ўз олдидаги гўштни вассаллари, шаҳзодалар, зодагонлар, элчилар билан баҳам кўради; ҳамма ерда ўтириб овқатланади. Агар ўзи чақирмаса, унинг ёнига боришга ҳеч қим журъат эта олмайди. Унинг ўғиллари ва беклари ҳам русхсатсиз унинг ёнига бориб ўтирмайдилар.

XV. Темурбейнинг ўз асирларига муносабати хусусида

Агар у бирор ўлкани забт этишни ихтиёр этса, қора рангли тугини кўтаради ва унинг аскарлари ўша ўлкани забт этишга отланадилар, эгалланган ўлкалардан турли хирож ва бойликлар йигилади. Шуни унутмаслик керакки, улар насронийларга ҳам, муслмонларга

хам бирдек муносабатда бўладилар.

XVI. Темурбейнинг мухораба хакидаги фармонлари хусусида

У фармон бериши у ёқда турсин, имо килиши биланок хар ким нима килиш зарурлигини яхши билади. У ўз кўшинини мингликларга, юзликларга ва ўнликларга бўлган; унинг амрига итоат этмаганларнинг боши кетади.

У кўшинда катъий тартиб ўрнатган: кимда-ким жангда олд томонидан жароҳатланса, унга катта эхтиром кўрсатилади; жангда оркасидан жароҳатланган кимса эса жазоланади. У жасур ва мардларни кўп иззатлайди, уларга катта тухфалар килади. У ўзидан кучли ганимларга карши жангга кириш олдидан лашкарларини шу қадар пухта жойлаштирадики, ҳеч нарса назаридан четда қолмайди; сўнг у ганими ўз хушёрлигини бой беришини пойлайди ва шу захотиёқ унинг устига қутилмаганда зарба бериб, истехкомларини вайрон қилади. У қиска муддатда узок йўлни босиб ўта олади, пухта изланишлар ва доно фармонлар ила ўз лашкарларини катта талофатлардан саклайди. Мухтасар қилиб айтганда, у шу пайтгача барча мухорабаларда зафар қучган, ҳеч ким унга қаршилиқ кўрсата олмаган.

Темурбей Туркия ва Арманистон ўртасида жойлашган Туркка (Йилдирим Боязид) қарашли катта шаҳар Сабастр(Сивос)га борганида ҳам худди шундай бўлган. У мазкур шаҳар қаршисида ўн бир кун турди, шундан беш кун ичида қалъа деворлари ёнида шундай бир минора қурдирдики, ундан бутун шаҳар яққол кўриниб турарди. У қон тўқмасликка сўз берганидан кейин шаҳарликлар таслим бўлдилар...

Ундан сўнг Темурбей жуда катта дарё бўлган Евфрат (Фрот) дарёси бўйига борди; у ерда беш кун ичида зарур кема ва қайиқлар ясаптириб, икки ярим кун ичида бир ярим миллион кишидан ортиқроқ лашкарини дарёнинг нариги қирғоғига ўтказди. Дарёдан ўтиб, у қаланд тоғ устида жойлашган Халаб шаҳри деворлари ёнига етиб борди ва шаҳар ичкарасида султоннинг кучли кўшини жойлашганидан хабар тоғга, қалъани каттиқ қурашсиз қўлга қирита олмаслиғига кўзи етди. Шу алфозда Темурбей уч кун шаҳар қаршисида туриб қолди ва тўртинчи кун лашкарининг катта бир қисмини олиб Халабдан икки лйе (чақирим) узокликдаги қаланд тоғ ортига ўтди ва ўғлини 30 минг аскар билан шаҳар қаршисида қолдириб, агар султон қучлари унга ҳужум қилса, бир оз жанг қилиб, сўнгра чекинишни буюрди. Ўғли ҳам уч кун давомида отаси айтганича иш тутди: султон кўшинлари унга қарши жанг бошласа, у бир оз қурашган бўлар ва сўнгра чекинарди; тўртинчи кун ўртада катта жанг бўлди ва ўғил одатдагидан узокроққа чекинди, султон лашкарлари уни шунчалик узокқа қувлаб бордиларки, тоғнинг ортида бекиниб турган Темурбей фурсатдан фойдаланиб ганим кўшини билан шаҳар деворлари ўртасидаги жойни эгаллади ва султоннинг ўн тўрт минг аскарини ўлдирди, сўнг шаҳарни эгаллади.

Темурбей бу ердан Дамашка йўл солиб, шаҳарни қамалга олди ва у ерда ўн бир кун турди; шаҳар деворларининг остига кўп миқдорда портловчи моддалар қўйдиртирди, буни қўриб узок қаршилиқ кўрсата олмаслиқларига кўзлари етган шаҳарликлар таслим бўлдилар. Темурбей билан бирга бўлган савдогарларнинг айтишича, у ўз юртига саккиз юзта туяда тилла ва қумуш, қимматбаҳо тошлар ва бошқа нафис безак буюмлари жўнатди.

Дамашқдан у Эрондаги буюқ халифа(Ахмад Жалойир)нинг Бодаш (Бағдод) деган ўлкасига йўл олди ва Бодаш шаҳри қаршисида тўхтаб, у ерда қирқ кун қолиб кетди:

зеро, шахар деворларини айланиб чикиш учунгина икки кечаю икки кундуз керак бўлади. Шахарликлар кайсарлик килдилар, лекин уларнинг кайсарликларини синдирдилар: Темурбей шахарни куч ишлатиб кўлга киритди ва бу ерда беадад бойликларни кўлга киритиб, ватанига жўнатди.

XVII. Эдигни исмли императорнинг Темурбейга килган хиёнати хусусида

Темурбей, чамаси, бундан икки йил бурун Мўғулистоннинг Эдигни (Идику барлос) исмли императорига ўз элчиларини йўллаганди. Ок мўғулларнинг мазкур хукмдорининг бош шахри Соркате (Судак) Кафа(Одесса)дан 18 чакирим нарида жойлашган бўлиб, унинг лашкари юз эллик минг суворийдан иборат эди. Элчилар ўша хукмдорнинг кизини Темурбейнинг ўгли учун сўрашди, хукмдор рози бўлди; бироқ у узр сўраб, кизини Темурбейдек кудратли хукмдорнинг ўглига узатиш учун зарур такинчоклар ва сармоёси камлигини бахона килди ҳамда элчилардан ўз хукмдорларидан келинни ясатиш учун керакли зеб-зийнат буюмлари юборишини ва унинг (келиннинг) истикболига саройидаги энг нуфузли кишиларни жўнатишини илтимос килишларини сўради. Элчилар унинг илтимосини Темурбейга етказдилар. Элчиларнинг хисоботини эшитиб Темурбей багоят шод бўлди, шу захотиёк тилла, кумуш, жавохир ва кимматбаҳо шохи матолар ортилган йигирма беш туя, саройидаги энг юкори лавозимдаги саккиз баронни (аъённи) Кипчокка жўнатди.

Карвон Эдигнининг хузурига етиб боргач, у тилла, кумуш, жавохирлар ва бошка молларни кабул килди, аъёнларни эса банди килиб, пулларини тортиб олди, аммо Темурбейга кизини жўнатмади. Темурбей дунёда ҳеч ким мени бу қадар алдамаган, деб шунчалар изтироб чекдики, ҳеч ким бу холга тушган эмас; у умрида бунчалик куюнмаганини айтиб, бунинг учун ўч олмагунча тинчимаслигини билдирди. Темурбей хозиргача амалга оширган ишларидан кўпроқ иш килиши мумкин эди, бироқ у ўзидан ҳам катта хукмдор бошқараётган Форс(Эрон)дан йироклашиб кетишга журъат эта олмаяпти. Бу хукмдорнинг кудрати унинг кудратидан бир ярим-икки баравар кўп бўлиб, исми Тамирасак (бу ерда архиепископ кимни назарда тутаётганини била олмадик), Маласан хукмдори дидир. Бу ерда ахвол шу даражага бориб етганки, Темурбей расман у ўлканинг ҳам хукмдори хисобланса-да, асл хўжайини Тамирасак дидир. Баъзиларнинг айтишига караганда, агар ул иккиси бир бўлсалар, бутун ер юзини забт этишга кучлари етар эмиш.

XVIII. Темурбей Буюк Туркни қандай махв этгани ва банди килгани хусусида

Лашкарларининг сони ва мардлиги жихатидан кудратли бўлган Темурбей баталйонларини (фавжларини) тепаликлар ва дараларга якин жойда тартибга солди; уларнинг ортига ўзининг энг катта баталйонини ва якинларини кўйди. Ракибига етарлича қаршилиқ кўрсата олишига ишонган Турк (Йилдирим Боязид) лашкарларини тўрт баталйонга бўлди; ганимга якинлашиб унинг лашкарларидан кўркиб кетган туркларнинг биринчи баталйони сардори ўз кўл остидаги барча аскарларини олиб қочишга тушди; Турк бунга кўриб уларни ортига қайтармокчи бўлди, бироқ баталйон сардори унинг амрига кулоқ солмади ва кўздан гойиб бўлди.

Шундан сўнг Турк иккинчи баталйонини жангга ташлади, бу қисм жон-жаҳди билан жанг килди, бироқ Темурбейнинг лашкарлари кўрсатган жасорат туфайли туркларнинг жуда

кўп аскарлари, ҳисоб-китобларга караганда, ўн беш мингдан зиёди халок бўлди. Навбат Туркнинг учинчи баталйонига келди. Бу қисмда унинг ўгиллари ҳам жанг қилдилар ва аксарияти халок бўлди, қолганлари қочмоққа тушди. Буни қузатиб турган Турк тўртинчи баталйонини жангга ташлаб, унга шахсан ўзи қўмондонлик қилди. Бирок халокатга учраганини сезгач, қочмоқчи бўлди, лекин қоча олмади. Зеро, уни Темурбей аскарлари тўла қуршовга олган эди. Шу алфозда у июлнинг йигирма саккизи, жума куни соат йигирма тўртда қўлга олинди. Аниқ ҳисоб-китобларга кўра, бу мухорабада иккала томондан қирк минг киши халок бўлди; Темурбейга нисбатан Турк кўпроқ қурбон берди. Жуда кўп турклар қочиб қутулдилар, хусусан, Туркнинг икки ўгли ярим тунда қурол-яроғсиз ва қийим-бошсиз қип-ялангоч қочдилар. Темурбей лашкарларининг катта бир қисмини Туркнинг бош шахри Бурсага жўнатди; қалъа олингач, тоби қочган Туркнинг хазинасини қўлга қиритди; бу хазинани ҳамда қўпсонли хизматкорлар ва қулларни Семеркандга жўнатди. Шундан сўнг у бутун Туркияни ишғол этишга киришди, Темурбейга иттифоқдош бўлган айрим ҳокимларга қарашли ўлкалар бундан истисно эди. Туркнинг тўнгич ўгли Юнонистонга ўтиб кетди, у ҳозир ҳам ўша ерда иззат-хурматда; кенжа ўгли Туркияда ва Темурбей унинг изидан қувиб юрибди. Бу нима билан тугаганини Худо билади. Тангрининг иродаси Темурбейдан бошқа бирор тирик жонга аён эмас.

XIX. Темурбейнинг салтанати ва шаҳарларидаги тартиб-қоидалар хусусида

У ўз фуқароларига бир қанча солиқ ва тўловлар жорий этган бўлса-да, ажнабий тужжорларга катта эътибор қўрсатади ва уларни, айниқса, фаранглар ва насораларни рағбатлантиради, салтанати ҳудудида уларнинг ҳавфсизликларини таъминлайди. У қўп масканларда олинадиган жон ва туз солиқларини бекор қилди ва бу солиқлар фақат йирик шаҳарларда олинсин, деб фармон берди. У салтанатининг барча ҳудудларида тужжорлар ҳаётига ҳавф соладиганларга шафқатсиз жазо тайинлади: тужжорларни талаган ўлка аҳли унга (тужжорга) таланган мол қимматини икки баробар қилиб қайтаради ёхуд салтанат хазинасига тужжор йўқотган мол-мулк қимматининг беш баробари миқдорида жарима тўлайди.

Барча аҳоли масканларида унинг масъул кишилари бор ва у адолатга қатъий риоя этади ҳамда жинойат қилган ҳар қандай қимсага, қимлигидан қатъи назар, шафқат қилмайди: кичик бир жинойати учун каттаю кичик амалдорларга шу захотиёқ жазо тайинлайди; жазо асосан жарима шаклида бўлади: айбдорлар катта миқдорда жарима тўлайдилар. Унинг амалдорлари жуда бой ва тўқ яшайдилар, шу боисдан улардан катта пул ундирилади. Бу пуллар нақ юз ҳачирга юк бўлади ва улар ҳар йили катта байрам учун сарфланади. Барча шаҳарлар ва ўлкалар ҳар йили даромадларининг ўндан бири ёки чорагини салтанат хазинасига топширадилар. Бу иш билан унинг газначилари ва нозирлари шугулланади.

Темурбейнинг ўзи шахсан ҳеч қимга озор бермайди ва у шундай қилган одамларни қаттиқ жазолайди. Зеро, у сафарда юрган пайтида қўплаб адолатсизликлар бўлиб туради. Шаҳарлар ва ўлкаларни унинг ўгиллари, жиянлари ва аъёнлари бошқаради. Унинг нақд пулда маош бериш одати йўқ, бироқ у ўз аъёнларига ер-мулк беради ва бошқа тухфалар қилади. У ўз фармонларига барча ерда сўзсиз итоат этилишини истади ва ажнабийлардан қўра кўпроқ ўз фуқароларидан ҳадиксирайди.

XX. Темурбейнинг душманлари бўлмиш айрим кудратли императорлар хусусида

Темурбейнинг асосий ракиблари Шарқдадир. Бу энг аввало Катай(Хитой)нинг буюк императоридир. У камарли насронийлар мазхабидан бўлиб, куч-кудратда Темурбейга тенг ёхуд ундан зиёдрок. Унинг иккинчи ракиби Форс императори (Султон Ахмад Жалоирий) бўлиб, у бундан ўн беш йил илгари Темурбейдан зўрга кочиб кутулган. Хозир Бадаш ва Калдея(Ироки Араб)нинг колган қисмларига ҳукмронлик қилади. Унинг яна бир ракиби Миср султони. Мўғулистонлик Эдигни эса, унинг асосий душманидир. Зикр этилганлардан кейинги учтаси сарацинлар мазхабидан. Темурбейнинг яна бошқа душманлари ҳам бор. Улар ундан кўркадилар ва унинг ўлимини кутадилар. Улар ўзларича башорат қилишиб, Темурбей Кохирада мағлубиятга учрайди ва ҳалок бўлади, деб ўйлашмоқда. Темурбей, аксинча, бунга ишонмайди ва ҳали яна узок умр кўраман, дейди.

XXI. Темурбейнинг ҳузуридаги шох ва шахзодалар хусусида

Энг аввало, Мўғулистон императори у билан бирга. У кўнгли нимани хоҳласа, шуни қилади. Маластан кироли, Коросан кироли, кўп мамлакатлар ва ўлкаларнинг ҳукмдорлари, шахзодалари ҳамда бир қанча кичик ҳукмдорлар унинг ҳузуридалар. Шох Алдин ҳам унинг ёнида, бироқ ундан кочиб юради. Форс императорининг икки ўғли ҳам унинг ёнида(шох Шужоънинг Шибли ва Зайн ал-Обидин исмли ўғиллари). Гургония императорининг укаси шох Боқаран (Баҳром) ҳам унинг ҳузурида. Темурбей забт этган барча вилоятлару ўлкалар ҳокимларининг тўнғич ўғиллари ва ўлка ноиблари ҳам у билан бирга; илм-фан, ҳусусан, астрология, медицина ва нигромания (қорамагия)нинг энг кучли олимлари ҳам унинг ҳузурида: у илми ва яхши оиладан чиққан инсонларни кўп эъзозлайди. Темурбей улар билан савол-жавоб қилишни хуш кўради. У зикр этилган инсонларнинг барчаси билан яхши муносабатда бўлади ва ҳурмат-эҳтиром кўрсатади. Узок ўлкалардан келган элчиларга ҳам худди шундай муносабатда бўлади. Шунга қарамай, улар ўзларини эмин-эркин ҳис эта олишмайди: зеро, унинг ёнида бой-бадавлат юришдан кўра, ундан узокроқ туриб, қашшоқликда яшашни ихтиёр этувчи шохлар ва шахзодалар ҳам учраб туради. Буюк Турк ҳам унинг ёнида, унга қатта ҳурмат-иззат кўрсатилмоқда.

XXII. Темурбейнинг имон-эътиқоди ва унга қилинган башоратлар хусусида

Темурбей ўз эътиқоди бўйича сарацин бўлиб, ўз динига амал қилмайдиганларни жазолайди, ҳам қийнайди. У илгари насронийларни яхши тушунмас ва хуш кўрмасди. Мана энди, Султония архиепископи биродар Жанни ва доминикан мазҳаблик биродар Франсуани кўрганидан — бизнинг эътиқодимизга ишонч ҳосил қилганидан кейин у ўзининг хатосини англаб, қаттиқ таъсирланди. У насронийларга хайрихоҳлик қилади ва эҳтиром кўрсатади, ҳусусан, лотинларга, яъни французларга бирор ёмонлик қилмайди; уларга ўз салтанатида эмин-эркин юришлари учун йўл берган. Айниқса, савдогарларга ўз эътиқодларига риоя қилишлари, черковларга бориб ҳамма насронийлар бажарадиган амалларни бажаришлари учун барча шароитларни яратган. У ўз дини талабларидан қелиб чиқиб, қунига беш маротаба худога муножат қилади ва қаерда бўлишидан қатъи назар, сарацинлар учун лозим бўлган барча амалларни

базаради. У тушида тез-тез фаришталарни кўришини ва уларнинг ўзига килган башоратларини айтиб юради; бу дунёда нимаики иш юз берса, бариси худонинг иродаси билан содир бўлишини айтади. У кунлардан бир куни тушида фариштани кўрганини сўзлаб берди: эмишки, унинг каршисида ердан осмонгача етган нарвон турганмиш, тепада фаришта пайдо бўлиб, уни ўзи томон чорлармиш: «Ўрнингдан туриб, нарвонга чик», – дебди унга фаришта. Темурбей фаришта айтганини килиб, киркинчи зинага кўтарилибди. Шунда фаришта унга: «Энди пастга туш», — дебди. Темурбей пастга тушибди. Шундан сўнг у бу тушнинг таъбирини сўрабди. Тушнинг таъбири куйидагича экан: у бутун ер юзини эгаллаб, кирк йил давомида сог-омон хукмронлик килар эмиш. Ўзининг айтишича, у одамларнинг фикрлари ва режаларини олдиндан билиб олар эмиш, буларни унга фаришталар маълум килар эмиш. У кекса эркак ва кекса аёлларга чуқур иззат-эҳтиром кўрсатади, уларга катта хадялар беради, унинг саройида ҳеч ким аёлларга, хусусан, энагаларга карши бирор сўз айта олмайди. У жуда яхши тарбия кўрган, зеро, ажнабийларнинг ҳар бирига уларнинг мавкеи ва мансабига мос равишда иззат-эҳтиром кўрсатади.

XXIII. Темурбейнинг ёши ва соглиги хусусида

Унинг ёши олтмиш-олтмиш беш атрофида ва у ўттиз йилдан бери хукмдорлик килиб келмоқда. Ўтган давр мобайнида у шунчалик гаройиб ишларни рўёбга чиқарганки, уларни ёзиб адо этиб бўлмайди. У ўрта бўйли, чехраси мўғулна, испанча соқолига ок оралаган ва комати тик инсон. Бирок унинг ўнг кўли ва ўнг оёғи мажруҳ бўлиб, уларни даволаш мумкин эмас, зотан, томирлари кесилган. У ёшлигида лашкарларини ўзи жангга бошлаб кирарди: мохир чавандоз эди, аммо энди, баъзан, икки отга ўрнатилган ўриндикда сафар килади ва шундай кўрикланадики, ўзи чакиртирган одамдан бўлак ҳеч ким унга яқинлашишга журъат эта олмайди. Темурбейнинг амри шу эрур.

Темурбей ёктирадиган нарсалар хусусида

Энг аввало, унга куйидаги нарсалар ёқади: бугдойранг, кирмизи ва алвон, ок ва оч-яшил, худди Ренс(Франциядаги шаҳар)да тайёрланадигандек нафис тўқима матолар, маржон шодалари, биллур тошлар, тилла ва кумуш идишлар, худди Франциядаги каби ишлов берилиб, зумрад тошлар билан безатилган идишлар, тоза Кипр камлоти(пишиқ жун газламаси), гаройиб балиқ тишлари, Франциядаги каби курсилар, Франциядагидек кимматбаҳо гиламлар, хушбўй ва мазали зираворлар, дунёнинг турли бурчакларидан келтирилган зотли бақувват отлар, катта итлар ва Испаниядаги каби катта хачирлар. Бирок ундаги бу нарсаларнинг санаб саногига етиб бўлмайди.

Француз тилидан Баходир Эрматов таржимаси.